



# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал  
1996 йилда ташкил этилган.

2019/1-son

Таҳрир кенгаши раиси:  
Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазири  
Маджидов Иномжон Уришович

Таҳрир кенгаши раиси ўринбосарлари:  
Абдурахманов О.К.  
Холмухамедов М.М.

Бош муҳаррир:  
З.Т. Хақимов  
Ривожлантириш маркази директори

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Ибрагимов И.У.  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Бегимкулов У.Ш.  
Бузрукхонов С.М.  
Холиқов А.Ж.  
Исмаилов Б.М.  
Базаров О.Х.  
Ҳамраев М.С.  
Ризаев Ф.Х.  
Туробжонов С.М.  
Мараҳимов А.Р.  
Ходиев Б.Ю.  
Умурзоков Ў.П.  
Раҳимов Ғ.Х.  
Сирожиддинов Ш.С.  
Шуқуров Э.Х.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

Пардаев А.Х.  
Раҳманов Х.Ш.  
Шарипов Ш.С.  
Эшмуродов А.Т.  
Хайдаров О.А.  
Аллаберганов Р.К.  
Раҳимова У.А.  
Курбанов Ш.Э.  
Ризаев Ж.А.  
Муталов Ш.А.  
Ибрагимов М.М.  
Нишонов Х.М.  
Мирсоатова М.С.  
Матякубов А.  
Иноятов Ф.Ш.  
Каримов К.Х.  
Бабаходжаев С.Н.  
Шарипов К.А.  
Абдурахмонов Қ.Х

Таҳририят:

Ваҳидов У. – масъул муҳаррир,  
Усманова Д. – дизайнер,  
Мухторов А. – саҳифаловчи.

## MUNDARIJA

### TA'LIM SIFATINI OSHIRISH

- А.Мавлянов, С.Абдалова, С.Қораев, Д.Тошпўлатова.** Касб-хунар коллежларида ўқув амалиёти сифатини ошириш йўлидаги вазифалар..... 3
- О.Алимбекова.** Некоторые аспекты освоения певческого материала студентами..... 8
- Р.А. Мўминов, У.Б. Абдиев, Б.А. Юлдошов.** Фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлиги асосида физика таълимида қуёш фотоэнергетикасининг фундаментал ва амалий тушунчаларини шакллантириш..... 11
- Х.А. Махмудова** Проблемы воспитания творческой личности.....14
- Ш.С. Шарипова.** Педагогининг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновацион таълим муҳитининг аҳамияти..... 17
- Ш.Р. Турдиев.** Муҳандислик ихтисосликлари учун касбга йўналтирилган масалаларни лойиҳалаштириш ва тадқиқ этиш.....21

### HALQARO MUNOSABATLAR VA GEOSIYOSAT

- Д.Н. Муйдинов.** Европа минтақасига миграция ва қочқоқларнинг оқими: сабаб ва оқибатлари.....24
- Ф.Э. Каримов.** Яқин шарқ минтақавий хавфсизлигини таъминлашда қурд омили.....28

### SOG'LOM AVLOD - KELAJAGIMIZ POYDEVORI

- М.Абдуҷаббарова.** Воспитательная функция искусства и её совершенствование в условиях глобализации..... 31
- Д.Т. Мамирова.** Принципы направленности в достижении высоких результатов при занятиях гимнастикой..... 34

### ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA O'QUV JARAYONINI LOYIHALASH

- Д.Тангриева.** Актуальные педагогические технологии в театральной педагогике..... 38
- А.Юлдашева.** Современные подходы в образовании к вокальному обучению детей.....42
- О.Ғ. Давлатов.** Ахборот хавфсизлиги тушунчасининг педагогик-психологик хусусиятлари.....46

**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги;  
Касб-ҳунар таълими маркази;  
Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълимини ривожлантириши маркази.

**Манзил:**

100060, Тошкент шаҳри,  
Миробод тумани,  
Шахрисабз кўчаси, 42-уй

**Телефон:** 233-34-88;

**Факс:** (+99871) 233-34-88;

**e-mail:** [rm13@edu.uz](mailto:rm13@edu.uz)

**Босишга рухсат этилди:**

Қозғоз бичими 60x84 1/8. б/м.12,5.  
Адади 1000 нусха.

Нархи: Келишилган ҳолда.

Буюртма рақами 12

"PRINT REBEL" МЧЖ матбаа  
корхонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани,  
Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигидан 2014 йил  
26 декабрда 0506 рақами билан  
рўйхатдан ўтган.

Журнал йилда 4 мартаба  
(ҳар чоракда) ўзбек, рус ва инглиз  
тилларида чоп этилади.

"Ta'lim, fan va innovatsiya" журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2015 йил 18 ноябрдаги 218/5-сонли  
қарори билан 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ бўйича, 2018 йил  
28 ноябрдаги 247/6-сонли қарори  
билан 23.00.00 – СИЁСИЙ ФАНЛАР  
бўйича докторлик диссертациялари  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиши тавсия этилган илмий наشرлар  
рўйхатига киритилган.

"Ta'lim, fan va innovatsiya" журналдан  
кўчириб босиш фақат таҳририятнинг  
розилиги билан амалга оширилади.  
Мақолада келтирилган фактларнинг  
тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.  
Таҳририят фикри муаллифлар  
фикрига мос келмаслиги мумкин.

<b>З.Т. Рахимов.</b> Мобиллашув шароитида лойиҳа таълим технологиясининг самарали имкониятларини аниқлаш таълим инновацияси сифатида.....	50
<b>Н.Жиянова.</b> Мавзуларни мустаҳкамлашда “Ассесмент” технологиясининг роли.....	55
<b>О.Мўминова.</b> Талабалар фаоллигини оширишда интерфаол усулларнинг амалий аҳамияти.....	60
<b>А.И. Odilov, R.O. Nabijonov.</b> Vokal darslari jarayonida talabalarning ovozlarini shakllantirish usullari.....	63

**ТА’LIMDA IQTISODIYOT**

<b>Ю.Шадиметов, И.Усманов, Н.Кадырова.</b> Циркулярная экономика путь к устойчивому экоразвитию.....	67
<b>Х.А. Қобулов.</b> Ўзбекистон Республикасида инновацион ҳудудий кластерларни шакллантиришнинг зарурлиги ва муваффақиятли ривожлантириш омиллари.....	70

**МА’NAVIY-AXLOQIY TARBIYA VA MA’RIFIY ISHLAR**

<b>А.Д. Аллияров.</b> Олий таълим муассасаларида талабаларнинг маънавий кадриятларни ривожлантириш масалалари .....	73
<b>Д.Р. Фарсахонова.</b> Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмлари.....	77
<b>К.А. Мухиддинова.</b> Инновацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларини миллий тарбиялашни такомиллаштириш мазмуни.....	81

**AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA IMKONIYATLARIDAN UNUMLI VA SAMARALI FOYDALANISH**

<b>З.Э. Чоршанбиев.</b> Электрон таълим муҳити компонентлари ва уларнинг хусусиятлари.....	87
<b>С.Ғ. Сиддиқова.</b> Электрон таълим ресурсларининг янги авлоди: Таҳлиллар, архитектура, инновацион сифатлар.....	91

**PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA**

<b>Ж.А. Hamidov, I.B. Asqarov.</b> Bo‘lajak kasb ta’limi O‘qituvchilarida tadqiqotchilik ko‘nikmalarini shakllantirishning psixologik-pedagogik asoslari.....	96
---	----

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН ХУДУДИЙ КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

## НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ И ФАКТОРЫ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

### THE IMPORTANCE OF FORMING AND FACTORS OF EFFECTIVE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE TERRITORIAL CLUSTERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Х.А. Қобулов – и.ф.н. доцент  
Тошкент молия институти

#### Аннотация

Мақолада иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишининг кластер усулини моҳияти, Ўзбекистон Республикасида инновацион ҳудудий кластерларни шакллантиришнинг зарурлиги, имкониятлари ва муваффақиятли ривожлантириш омиллари очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** ҳудудий иқтисодиёт, ривожланиш, бизнес, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, инновация, саноат, кластер, даромад, фойда, самара, илм, фан, таълим, илмий-тадқиқот.

#### Аннотация

В статье рассматривается сущность кластеризации в организации экономических и производственных отношений, необходимость, возможности и факторы успешного развития инновационных региональных кластеров в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** региональная экономика, развитие, бизнес, предпринимательство, производство, инновации, промышленность, кластер, доход, прибыль, эффективность, знание, наука, образование, научное исследование.

#### Annotation

The article discusses the essence of clustering in the organization of economic and industrial relations, the need, opportunities and factors for the successful development of innovative regional clusters in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** regional economy, development, business, entrepreneurship, production, innovation, industry, cluster, income, profit, efficiency, knowledge, science, education, scientific research.

Кўпгина мамлакатлар ўзлари учун интенсив инновацион ривожланиш йўлини ва иқтисодий ётти ташкил этишининг кластер моделини танлади. Бундай моделда саноат сиёсати нафақат соҳаларни ривожлантиришга, балки ривожланган ижтимоий ва экологик муаммолар туфайли шаклланган ва оширилган ҳамда самарали талабларга эга бўлган етакчи бозорларни эгаллашга қаратилади.

Кластерларни шакллантириш ҳудудлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизми бўлиб, ҳудудий иқтисодиёт ривожланишига, миллий субъектларни қиймат яратишнинг халқаро ишлаб чиқариш

занжирига қўшилишига, хом ашёни қайта ишлаш даражасини ошириш учун кўмаклашишга, импорт ўрнини босишга, йиғув ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришни кўпайишига ва натижада - маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳархсиз рақобатбардошлиги даражасини кўтарилишига улкан таъсир кўрсатади.

Инновацион вектор – бу Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг ва уни глобаллашув тенденцияларининг ўсиши шароитида рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. “2019-2021-йилларда

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”да: «Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Ушбу камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсадидир.

Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

– барча даражада таълим сифати ва камровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

– илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самардорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

– инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

– бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш;

– мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес

юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш» [1].

Глобал даражадаги индустрия кластерларни яратиш йўлидан кетмоқда. Кластер - бу ҳудуднинг ва умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берадиган кенг тан олинган восита. Ривожланган мамлакатлар сингари ривожланаётган мамлакатларда ҳам кластер ташаббусларининг жадал ўсиб бориши уларнинг самарадорлигини ва ҳаётийлигини акс эттиради [2].

Хорижий мамлакатлар тажрибаси мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берадиган кластер сиёсатининг самарадорлигини кўрсатади.

Кластер концепциясининг назарий асослари XIX асрда, фирмаларнинг самарадорлиги уларнинг географик жойлашуви ва ўзаро алоқа қилаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга яқинлигига боғлиқ эканлиги аниқланганидан сўнг, яратилган. Кластер назарияси бугунги кунда ҳам ривожланиб бормоқда, аммо концептуал аппаратларда ҳали ҳам ноаниқлик мавжуд бўлиб, у асосан кластер тушунчасига ишора қилади [4].

Аслида, реал иқтисодиётда кластерларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги ёндашувлар ўзгарди, аммо бу ўз-ўзидан содир бўлди, чунки илмий асослар мавжуд эмас эди ва янги методология таклиф қилинмади. Шунинг учун кластерлаш назариясини, концептуал тушунчани, кластер сиёсати ва кластерларни ўзини шакллантириш ёндашувларини такомиллаштириш зарур. Шу муносабат билан биз «кластер» атамасининг қуйидаги таърифини таклиф қиламиз. Замонавий маънода, кластер деганда, ягона ахброт-коммуникация муҳити доирасида инновацион йўналтирилган фаолиятни амалга ошириб ишлаб чиқаришда рақобатбардош маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқариш учун етарли бўлган синергик таъсирга эришишни кўзловчи умумий ғоя ва технологик тармоқни амалга ошириш учун ресурс даражасида бирлашган мустақил тижорат ва нотижорат ташкилотлар гуруҳи тушунилади. Ушбу таърифдан келиб чиқадиги, кластер аъзолари мустақиллигини йўқотмайди, бироқ умумий мақсадга эришиш учун маълум бир технологик тармоқ доирасида ресурсларини бирлаштирадилар. Синергетик таъсири мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади ва бунинг оқибатида рақобатбардош маҳсулот ёки хизматларга эга бўлиш учун ушбу таъсир етарли бўлиши кераклиги кўрсатилади.

Жаҳон тажрибаси [2, 3] кластерларнинг иқтисодий ривожланишдаги ва ҳудудий ва миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини оширишдаги ролини намойиш қилмоқда. Бу инвестицияларни жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратишга

ёрдам берадиган, иқтисодиётни ривожлантиришга катта самарали таъсир кўрсатадиган, ўзларининг корхоналар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширилишини таъминловчи илмий, таълим ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бирлаштириш имконияти билан боғлиқ. Ушбу самаралар, хусусан:

1) кластер корхоналари учун самараси: меҳнат унумдорлигини ошиши, фойданинг кўпайиши, сотиш бозорларини кенгайтиши, инвесторларни жалб қилиниши, кластер ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ички рақобат туфайли замонавий технологиялар ва инновацияларни жорий қилиниши;

2) давлат ҳокимияти органлари учун самараси: бюджетнинг ўсиши, ишсизлик бўйича тўловларнинг қисқариши, инфратузилманинг ривожланиши;

3) ҳудудий иқтисодиёт учун самараси: ялпи ҳудудий маҳсулотнинг, инвестициялар ҳажмининг, юқори технологияли маҳсулотлар экспортининг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг ўсиши ва бошқалар.

Умуман олганда, ишонч билан айтиш мумкин, ХХИ аср инновацион-саноат ва ҳудудий кластерлар фаолиятига асосланган саноат тузилмасининг ривожланиш асридир. Айнан улар жаҳон иқтисодиётининг динамикасини тобора кўпроқ даражада белгилайдилар, анъанавий равишдаги йирик корхоналар ва холдингларга туширилган локомотив ролини эгаллашади.

Кластерлар замонавий инновацион ривожланиш йўлларини таклиф қилиб, мамлакатларга «хомашё лаънати»дан қутилишга ёрдам беради. Қаерда кластерли ёндошувдан фаол фойдаланилса, у ерда инсонларнинг ташкилий ва истеъмол хатти-ҳаракатлари янги шакллари асосли пайдо бўлишига олиб келувчи собиқ саноат жамиятининг ижтимоий тузилмасида позитив ўзгаришлар сезилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида биринчи марта кластернинг шакллари пайдо бўлмоқда, иқтисодиётни кластерли ривожлантиришнинг шарт-шароитлари яратилмоқда:

– кластерларни ривожлантиришни услубий ва ахборот-маслаҳат жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилмоқда;

– республика ва вилоят ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳаракатларини зарурий мувофиқлаштириш йўлга қўйилмоқда;

– кластер сиёсатини шакллантиришга тадбиркорлар уюшмалари катта қизиқиш билдиришмоқдалар.

«Билимлар иқтисодиёти» ни шакллантиришни асосий воситалари заковат, истеъдодлар, ижодий ҳамкорлик ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган кичик компанияларнинг ўсиши билан бирга олиб борилиши керак.

Илмий-саноат ривожланишнинг локомотиви ролини бажарувчи йирик миллий индустриал компаниялар иқтисодиётни ташкил этишнинг кластерли моделини жорий этилишини рағбатлантириши, кичик инновацион корхоналар ишланмаларига буюртмачи ва истеъмолчи сифатида намоён бўлишлари мумкин.

Кластер ёндашуви инновация инфратузилмасини, айниқса, технологиялар трансферини, интеллектуал фаолият натижаларининг тижоратлашуви соҳасини муқаррар равишда қайта кўриб чиқишга олиб келади. Буларнинг барчаси, биргаликда олганда, «учталик спирал»нинг боғловчи механизмларига: нинг саноат - фан - давлатга ҳаётий импульс беради.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг кластерли ёндашуви, кластерларнинг мамлакатлараро ҳамкорлиги давлатларнинг келишилган ва кейинчалик давлатнинг мувофиқлаштирилган инновацион-саноат сиёсатини шакллантириш учун восита бўлиши мумкин. Экспертларнинг фикрига кўра, кластерлаштириш дунё иқтисодиётининг 50% дан ортиқини қамраб олган бўлиб, бу уларга ЯИМнинг сезиларли ўсишини таъминлади. Шу муносабат билан инновацион-саноат гуруҳларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва мослашиш зарурий ва ўз вақтида қўйилган қадам ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳудудий инновацион кластерларнинг шакллантирилиши бизнес учун янги имкониятларни тақдим этади, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳисобига, шунингдек, фан ва таълим соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш орқали ҳудудлар ва мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. «2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi». QHMM:06/18/5544/1951-son, 22.09.2018 y.

2. Dorjjeva E.V. *Formirovanie i razvitie konku-rentosposobnix agropromishlennix klasterov na mezo-urovne ekonomiki: monografiya.* - SPb: Izdatelstvo Sankt-Peterburgskogo universiteta upravleniya i ekonomiki, 2012.-168s.

3. Zarkovich A.V., Stryabkova E.A. *Otsenka vliyaniya klasterov na innovatsionnoe razvitie stran i regionov// Kreativnaya ekonomika.* - 2016. - № 11 (83).-s.13-20.

4. Lenchuk E.B., Vlastin G.A. *Klasterniy podxod v strategii innovatsionnogo razvitiya zarubejnix stran// Ekonomicheskij portal [Elektrinniy resurs].-Rejim dostupa: http://institutiones.com/.*